

„УРОҚ ВА БОЛҒА“ ИТТИФОҚИ — ЭКОНОМИКА ТАРАҚҚИЁТИ ТАЯНЧИ

РЕСПУБЛИКА ИШЧИЛАР СИНФИ ПАРТИЯ XXVI СЪЕЗДИ, ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ XVI ПЛЕНУМИ
ҚАРОРЛАРИ АСОСИДА МЕҲНАТ ҚИЛИБ, ЮБИЛЕЙ ЙИЛИ МЎЛ ҲОСИЛИ УЧУН КУРАШДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТМОҚДАЛАР



1984 ЙИЛ • АВГУСТ • № 8 (124)

МАЖБУРИЯТЛАРИНГИЗНИ
ҚАНДАЙ БАЖАРАПСИЗ?

ДЕҲҚОН МАҲТАЛ БЎЛМАСИН

Улуғ Ленин ишчи-деҳқон иттифоқини ижтимоий тараққийнинг асосий кучи, Совет ҳокимиятининг ҳал қилувчи таъини, социализм ғалабасининг ишончли гарови деб ҳисоблаган эди. Шу бонси, ишчилар синфи билан деҳқонлар оммасининг иттифоқини мустаҳкамлаш масаласига Коммунистик партия ҳамisha диққат-этибор бериб келмоқда.

Икки дўст синф ўртасидаги бузилмас иттифоқ ана шу диққат-этиборга яраша тобора барқарор тус олиб, қишлоқ хўжалигини юксалтиришда, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашда улкан самаралар келтирмоқда. Бунинг республикамиз ишчилари ва деҳқонлари ўртасидаги қардошлиқ мисолида яққол кўриш мумкин. Қатор сановат корхоналари коллективлари қишлоқ хўжалигига оталиқ ёрдамни йил сайин кўзайтириб, уни замонавий техника билан таъминлаш суръатларини оширмоқдалар, пахтакорлар, соҳибкорлар, боғbonларга зарур янги, серуноқ асбоб-ускуналарини ишлаб чиқаришнинг ўзлаштириш учун қатъий кураш олиб боришлар.

Шу кунларда республика ишчилари, инженер-техник ҳодимлари дала меҳнаткашлари билан бирга цехларда, конвейерлар ёнида, лойиҳа устаноналарида, бордингки, даладаги олдинги марраларда беш йилликнинг тўрттинчи йили мўл ҳосили учун елкама-елка туриб меҳнат уюмдорлигини назид ўсиб, маҳсулот турларини фохри беш қиррали белги остида қилмоқда.

«Меҳнат қилган элда азиз» дейдилар. Пешқадам корхоналарнинг коллективлари шу йилнинг ўтган ойлари социалистик мусобақасида ғолиб чиқиб, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг кўча Қизил байроғи, пул мукофотлари билан тақдирландилар.

Айрим корхоналар шартнома мажбуриятларини бажармашлар, қишлоқ хўжалиги тариққолини машина-ускуна, минерал ўғитлар ва эҳтиёт қисмлар билан таъминлашлар. Бундай коллективлар ўз дўстлари — матмуручлик ижодкорлари бўлган деҳқонларнинг ранжитимонлар. Биринчи ярим йилликда республикамиз ишлаб чиқариш бirlашмалари ҳамда корхоналарнинг 24,1 проценти маҳсулот реализация қилиш план ва мажбуриятларини бажара олдилар. Натикда халқ хўжалиги шартнома ва белгиланган планга нисбатан 260 миллион сўмлик кам маҳсулот олдди.

Самарқанд химиклари экин майдонларининг хамиртуриши — минерал ўғитлар ишлаб чиқариш ва реализация қилиш тошпирларини муттасил барбод бериб келди. «Ташкенткабель» бirlашмаси республиканинг қишлоқ қурилишларида кабель юбориш графитида орда қолмоқда. «Миконд» заводи Бухоро, Жиззах, Сурхондариё областлари хўжалиқларидаги биологаториялар зарур ускуналар билан таъминлай олмаётди. Лабораторияларнинг механизациялашган линияларини ўрнатиш, монтаж қилиш, уларни эҳтиёт қисмлар билан бутлашга эҳтиборсиз қаралмоқда.

Худди шундай ҳоли «Ташкентэлектромаш» заводи, Чирчиқдаги айрим корхоналарда, Қорақалпоғистон АССР ва бошқа областларда ишлаб чиқариш бirlашмалари, корхоналар ҳамда заводларда ҳам кўриш мумкин. Ҳолбуки, уларда тайёрланган маҳсулот турларини қишлоқ меҳнаткашлари оранжик кутмоқда.

Партия, совет, касаба союз, комсомол, хўжалик ва жамоат органлари қишлоқ хўжалик ишлари айни долзарб паллага кирган шу кунларда деҳқон оғирини енгил қилиш, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг юбилей йили мўл ҳосилини зўр уюшқоқлик билан йиғиб олиш, «Уроқ ва Болға» иттифоқи — ишчилар синфи билан деҳқонлар оммаси дўстлигини мустаҳкамлаш, уларнинг ўзаро оталиқ ёрдамларини кўзайтириш чораларини кўришлари керак. Токи, матмуручлик дастурхона ижодкорлари маҳтал бўлиб қолмасин, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорлари ва бугунги куннинг қатъий талаби ҳам шу!

— Тесс! Юринг, идорага кирайлик. Бу ерда ноқулай... Биров эшитиб қолсини мумкин.

Идорага киришди. Гапни директор бошлади. Инженер давом эттирди... Томдирди қонлар қизиб кетди. Қип-қизарган юзлар тиришди. Қўзларга ҳорғинлик инди...

— Хўш, бўлмаса, нима ҳалақит берипти? — директорнинг хуноби ошди. — Ахир, жонга тегди-ку, бу — раддия-паддия, акт-пакт де-ганларми?

Инженер аввалига жим турди. Юзларида гамгиллик қўлиб, ташишдан ўзини терлаб пишиб кетганга соди ва рўмолчаси билан пешанасини артиб қўйгандек бўлди.

— Хўш, сизнингча, ўтган галги текшириш «ноҳақ» бўлсин, бу галгисини-чи? Яна ўша гап: маҳсулотнинг сифатини, график бажарилма-пти...


— Бу гапларнинг нима

кераги бора? — эътироз билдирди инженер. — Хўп, майли, текширувчилар ҳақ бўлсин. Лекин бунга битта мен айбдор эмасман-ку? Ўзингиз-чи? Бошқаларчи?

— Бошқалар деганингиз ким?

— Хамир қорувчилар, нонпазлар, ишчилар...

— Келиб-келиб айбни ишчиларга тўнкайсизми? Ҳали жарафани ҳам ўшалар тўла-син, дерсиз... Ўтган гал-ку «нонимиз сифати савдо тармоқларига ташвиш жараёнда бузилган» деб айбни тран-спортчиларга, шаҳардаги 23,



ХИМИКЛАР ҒАЙРАТИ

Ўзган бўлсангиз, яқиндагина газетада бirlашманинг Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг кўча Қизил байроғи ва пул мукофоти билан тақдирлангани ҳақида хабар берилганди. Биз бу ютуққа ишлаб чиқаришда эришган юксак натижаларимиз туфайли муассар бўлдик. Корхонамиз етти ойлик ишлаб чиқариш программасини 101,7 процент бажарди. 10.538 минг киловатт-соат еки нормага кўра истеъмол қилинадиган энергиянинг 2,9 процентини тежаб қолдик.

Қўлга киритаётган бу ютуқларимиз бизга Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллик нишонланадиган қўтлуг йилда пландан ташқари 1200 тонна аммиак 60 тонна дефолит, 200 тонна целлюлоза ацетати тайёрлаш имконини беради. Еки ишлаб чиқариладиган барча турдаги маҳсулотларимизнинг 20 проценти давлат Сифат белгиси билан чиқарилишини таъминлайди.

Биз тайёрлаётган маҳсулотларини деҳқонлар оранжик куттишди. Корхонамиз химикларнинг айни кунлардаги ғайрат-шижоати уларнинг минерал ўғитларга эҳтиборини тўла қондиришга қаратилган.

Х. КОЛМАТОВ,
Фарғонадаги «Азот» ишлаб чиқариш бirlашмаси ишчиси, коммунистик меҳнат шайбон.

«КПСС ШУНГА АСОСЛАНАДИКИ, ИШЧИЛАР
СИНФИ БИЛАН КОЛХОЗЧИ ДЕҲҚОНЛАРИНИНГ БУ-
ЗИЛМАС ИТТИФОҚИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ
— СССРДА КОММУНИЗМ ҚУРИШ УЧУН ҲАЛ ҚИ-
ЛУВЧИ СИЕСИИ ВА СОЦИАЛ-ИҚТИСОДИИ АҲАМИ-
ЯТГА ЭҒАДИР».

(КПСС Программасидан).

ХИЗМАТГА ШАЙМИЗ

Халқ хўжалиги жадал суръатлар билан ривожланаётган ҳозирги шароитда турмушимизни транспортсиз ва унинг хизматисиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Чунки халқ хўжалигининг барча тармоқлари меҳнаткашлари билан, айниқса, деҳқонлар билан яқин алоқада ишлаш — мамлакатимиз иқтисодий ва муҳофаа қудратини ошириш, ўн биринчи беш йиллик план тошпирларини бажаришнинг муҳим шартларидан биридир.

Бунинг чин қалбдан ҳис этган автокорхонамиз коллективни автомашиналардаги фойдаланиш самардорлигини ошириш, халқ хўжалиги юкларни ташиниш қўлай-тириш, йилга ва эҳтиёт қисмларни тежаб-тераб ишлатиш ҳамда транспорт-дай фойдаланиш коэффициентини қўлай-тириш йўлида астойдил куч-ғайрат сарфламоқда. Йилнинг ўтган ойлари учун белгиланган тошпирларини барча қўрсаткичлар бўйича ортиги билан ула-дладик. Пландан ташқари қўрилган фойда салкам 150 минг сўмни ташкил этди.

Коллективимизнинг белгиланган тошпирларини икки-уч баравар ортиги билан бажаришда автоопездлардан фойдаланиш катта ёрдам бермоқда. Биз бу ишга дастлаб 70-йилларнинг бошида киришган эдик. Айрим ҳайдовчиларимиз илк кезларда биттадан прицеп улашди. Бир неча ойлик синовлардан кейин иккинчи прицепни ҳам улаб қиндилар.

аниқланди.

Шаҳар атрофидаги қишлоқ меҳнаткашлари, ишчилар таъминоти бўлиmlари ва ремонт-механика заводи билан тузилган шартнома мажбуриятлари муттасил бажарилаётган. Кейинги икки ойда меҳнаткашлар пландагидан 480 тонна еки 140 минг сўмлик кам нон маҳсулотлари олдлар. Шу йилнинг ўтган ойлари давомида корхона маҳсулотлар сифатининг бузилиши юзасидан 9 марта раддия-шиқоятнома олди. Графикка ривоз этилмаганлиги учун корхона устидан 20 марта акт тузилди. Нон ва нон маҳсулотла-

Инженер билан ишчи мулоқоти

ҲАМИША МАДАДКОРМИЗ

«Уроқ ва Болға» иттифоқи аъзоларига содиқ Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводи коллектив бу йил Иттифоқнинг пахтачилик хўжалиқларига ҳар қачонгидан кўп ва сифатли машиналар етказиб беришга аҳд қилган. Қўйда корхонанинг илгор ишчиси, комплекс бригада бошлиғи Исроил Апасов билан катта инженер Вениамин Клементьевнинг шу мавзуда олиб борган суҳбатини диққатингизга ҳавола-этамиз.

И. АВЛОНОВ: — Вениамин Андреевич, партия ва ҳукуматимизнинг қишлоқ хўжалигига машина-ускуналар етказиб беришнинг бутун чоралар билан қўлайтириш тўғрисидаги қўрсатмалари айни мудоао. Лекин ана шу машиналар йиғим-терим мудоатини қисқартиришда ва ҳосилдорлигини оширишда қандай роль ўйнайпти?

В. КЛЕМЕНТЬЕВ: — Бу саволнинг жавобини оддий ишчи сифатида сиз — ўзингиз ҳам яхши биласиз. КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қишлоқ хўжалигига ҳар қачонгидан кўп ва сифатли машина-ускуналар етказиб беришга даъват этди. Бу даъват, шубҳасиз, сизу бизга ўхшаган ҳамкасбларимизнинг меҳнат ғайратини ошириб юборди. Маана, ўзингиз гувоҳ заводида янги резервларини ишга тушириш билан қишлоқ хўжалиги учун замонавий терим агрегатлари етказиб бериш вазифасини муваффақиятли адо этиш тадбирлари қўрилмоқда.

Терим мудоатларининг қисқариши бизнинг қандай ишлатилишига боғлиқ эканини тушунасиз. Пахтакорларимиз меҳнатини енгиллаштириш бизнинг шафари бурчимиз эмасми? Худди ана шу бурч тақозоси билан заводимиз коллектив бу йил зиммасига олган мажбуриятларини шафари билан бажариш учун қизгин кураш олиб бормоқда. Ҳозир заводимиз цехларида, конвейерлар ёнида қишлоқ механизаторлари янги техникани диққат-этибор билан ўрганаётганликларидан қувонмай бўладими? «Зангори кема» на-питанлари корхонамиз қо-шидаги махсус курсларда ўз малакаларини ошириб қайтишлар. Улар орасида

Ўзбекистонликларгина эмас, Озарбайжон, Тожикистон, Туркменистон, Қирғизистон ва Қозғистондан келган механизаторлар ҳам бор.

И. АВЛОНОВ: — Ҳозир тайёрлаётган терим машиналаримиз тақомидан деҳқонлар хурсандми? Агрегатларимиз илгичка толали пахта майдонларида қандай ҳаракат қилипти?

В. КЛЕМЕНТЬЕВ: — Ўтган йили корхонамизда салкам 10 минг дон терим агрегатлари ишлаб чиқаришга эришилди. Мутахассислар, қишлоқ механизаторларнинг тақлифлари ва мулоҳазалари асосида улар янада тақомиллаштирилди. Жумладан, терим агрегатларининг конструкцияси ва технологиясига айрим ўзгаришлар киритилди. Натикда улардан фойдаланиш бир мунча соддалашди, энг муҳими, машиналар чидамлилиги ортиди. Бунинг сабаби шуки, эндиликда йил сайин республикамизда илгичка толали пахта майдонлари орти-тиб, уларни машинада териб олиш ҳамма қўлайиб бори-пти. Зеро, илгичка толали пахтани териб олиш машаққатли иш бўлиб, уларни те-ришга мослашган машиналаримиз ҳам тақомиллашган, сербардош бўлиши керак-да!

И. АВЛОНОВ: — Корхонамизнинг тараққийи ҳақида мутахассис сифатида нима дея olasиз?

В. КЛЕМЕНТЬЕВ: — Маълумки, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумларида қишлоққа оталиқ ёрдами қўрсатилиши янада яхшилаш вазифалари ҳам қўйилмоқда. Шу жиҳатдан олганда республикамизнинг қатор сановат корхоналари қишлоқ меҳнаткашларига оталиқ ёрдами қўрсатиш

соҳасида илоратли тажриба-лар тўплашларини қайд қилиб ўтиш керак.

Бундай эътибор ва ёрдам биз, машинасозлар зиммасига катта вазифалар қўлай-ди. Юқорида айтганимдек, бугунги кунда корхонамиз йилга ўртача 10 минг донна атрофида ҳар хил мар-кадаги терим агрегатлари ишлаб чиқармоқда. Ленин, бу — биз учун марра эмас! Корхонамизда реконструкция ишлари давом этил-пти. Уни техникавий жиҳатдан қайта жиҳозлаш иш-лари ривож толмоқда. Ана шу юмушлар ниҳоясига етгач, йилга 15 минг дондан терим агрегатлари тайёрлаб чиқарадиган бўламиз.

И. АВЛОНОВ: — «Уроқ ва Болға» иттифоқи аъ-золарига содиқ коллективимизнинг оталиқ ишлари ҳақида ҳам гапириб берсан-гиз.

В. КЛЕМЕНТЬЕВ: — Ас-лида, бу ҳақда сиз ўзингиз гапирсангиз яхши бўларди. Ахир корхонамиз коллективининг хўжалиқларга қўрсат-таётган оталиқ ёрдами иш-тироқчилариданми? Қатор йиллари, Тошкент, Жиззах областларининг пахтакорла-ри билан оталиқ ёрдами юзасидан шартномалар ту-зиб, уларнинг амалий ин-кроси учун муттасил иш олиб боришми. Шунингдек, қи-лоққа зарур ускуналар, эҳ-тиёт қисмлар, металл юбо-риш билан амалий қўмақла-риш, қишлоқ хўжалиги те-хникасини ремонт қилишда, дала шийонларини жиҳоз-лашда яқиндан ёрдам бер-яптимиз.

И. АВЛОНОВ: — Вениамин Андреевич, пахтачилик ни ривожлантириш, терим иш-ларини комплекс механизациялаш вазифаси бугунги кунда умумхалқ ини бўлиб қолди. Шунинг ишонч би-лан айтиш мумкинки, корхонамизнинг қишлоққа қўрсатадиган қўмаги янада кенгайди, терим агрегатлари ишлаб чиқариш кў-пайди, машиналаримиз си-фати тобора ошиб, деҳқон-лар билан бўлган алоқамиз мустаҳкамланиб бораверади.

НОМЕРГА ТЕЛЕГРАММА

ПУНКТПЛАР ТАХТ

СУРХОНДАРЁ. Жарқўрган пахта тозалаш заводи тайёрлов пунктлари юбилей йили «оқ олтин» ҳосилини қабул қилиб олишга тахт. Пунктларда пахта гарамланадиган майдон-чалар, транспортёрлар, тош-тароз ва лаборатория асбоб-ускуналари барвақт ремонтдан чиқарилди.

Пунктларнинг ремонт қилиш ва ускуналарини солаш иш-ларида С. Егоров, И. Маматмўминов, П. Холёров ўртоқлар бошлиқ ремонтчи бригадаларининг ҳиссаси катта. Айниқса, корхонанинг илгичка толали пахтани қайта ишлаб берадиган вақилик участкалари ва пунктларнинг қўриқ-тозалаш цех-лари сифатли ремонт қилинди.

Райондаги «Сурхон», «Канайди» тайёрлов пунктлари ишчи-хизматчилари пахтакорлар йил бўйи пешона тери завоитга еттиштирган «оқ олтин» ҳосилининг бир миқсалини ҳам увор қилмаслиққа қатъий сўз бердилар.

А. ХАЛИЛОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ҲАМКОРЛИКДА ХИКМАТ КЎП

Кейинги йилларда корхонамиз ишлаб чиқаришнинг реконструкциялашга 1,5 миллион сўм сарфланди. Натикда кўл меҳнатининг сал-моғи қамалди. Шу ҳисобга маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми деярли 3 баравар кў-пайди. Ремонтдан чиқарила-ётган двигателларнинг сифа-ти яхшиланди. Биргина шу йилнинг ўтган ойлари даво-мида пландагидан 700 та кўп трактор ремонт қилин-ди. «Д-34» двигателлари си-фат категорияси билан ре-монтдан чиқди. Ана шу со-зланган тракторлар ва дви-гателлар бугунги кунда об-ластимиз хўжалиқлари деҳ-қонлари хизматиди.

Биз корхонамиз билан яқин алоқада бўлган барча районлар, колхоз ва совхоз-лар билан ўзаро шартнома асосида ишлаб, меҳнат уюм-дорлигини оширишда ва амалта оширилган ишлар таннаҳини қамайтиришда қувончли ютуқларга эриш-яптимиз. Жумладан, юбилей йилимизнинг 7 ойда корхонамиз бўйича меҳнат уюм-дорлиги 1,2 процент ошди.

Бунга қандай эришдик? Масалан, мотор цехининг айрим участкаларида қўл меҳнатининг салмоғи юқори, ишлаб чиқариш маданияти эса кўнглилатидек эмасди. Колхоз-совхозларнинг мута-

хассислари ва ўз корхона-мизнинг техника бўлими хо-димлари ўзаро бамаслаҳат ана шу участкаларни қисқа муддатда реконструкцияла-ришга ҳиссини ишлаб чиқи-ларди. Натикда ёмон бўлмади. Цехдаги барча сермехнат жараёнлар тўла механизациялаштирилди. Бу эса ҳар бир иш жойида юқори уюм-дорликка эришиш имконини берди.

Бу йил корхонамизда меҳ-нат уюмдорлигини планга қўйишга 1,2 процент оши-рабиз. Бу — пландан таш-қари 1000 та двигател ремонт қилинади, демакдир, Шунингдек, маҳсулот тан-наҳини қўйишга 0,5 про-цент қамайтириб, шу ҳис-обга 200 минг сўм фойда олишни мўлжаллаяптимиз.

Партия ва ҳукуматимиз таъминоти қатъий изга солиш масаласини тизиз қи-либ қўймоқда. Гап меҳнат уюмдорлигини ошириш ва маҳсулот таннаҳини қамай-тириш ҳақида борар экан, бунга биз ўз буюртмачила-римиз билан доимо яқин алоқада бўлиб, ҳамкорликда ишлаш, ишлаганда ҳам мусобақалашиб ишлаш би-лан эришяптимиз.

Радик ҚОЖБАХТЕЕВ,
Лениск мотор-ремонт заводининг бригадери.

ЭНЕРГЕТИКА ИЛМИ ДАРҒАСИ

ИЗОХНИНГ ҲОЖАТИ **ИЯҚ.**
Чинден ҳам капитал дунёсида
меҳнаткешларнинг аҳоли кун
сайин ёмонлашиб бормоқда.
«Нарх-наво ўсган сари қашшоқ»

ЎЗБЕКИСТОН ССР ВА ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ, ТУРКМАНИСТОН ССР ВА ТУРКМАНИСТОН КОМПАРТИЯСИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

МАҲОРАТ КЎРИГИ

Туркменистонда ўзбек киноси кунлари

Маълумки, Тожикистон, Қирғизистон, Туркменистон, Ўзбекистон республикалари бу йил катта юбилейларини нишонлайдилар. Шу шонли тўй арафасида қардош республикаларда адабиёт ва санъат кунлари ўтказилляпти. Масалан, 29 августда Ашхобода Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигига бағишланган ўзбек киноси кунлари очилди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Кинематография давлат комитети кинофикация бошқармасининг бошлиғи Т. Ғ. Шамсиев мўҳбиримизга қўйишларини гапириб берди:

— Шонли юбилейлар арафасида ўтаётган бу ўзига хос санъат байрами энг аввало дўстлик ва маҳорат кўриғидир. Ўтган олтинчи йил ичида миллий кинематографиямиз катта ютуқларни қўлга киритган экан, бунда қардош республикалар санъаткорлари билан қилинган ўзаро алоқа ва ҳамкорликнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Машиқур киночиликнинг тажрибаси барча учун баб-баравар намуна, илҳом манбаидир.

Туркменистонда ўтказилган ўзбек киноси кунларидан

ди. Режиссёр Элёр Ғашмуҳамедов раҳбарлигида акранлаштирилган «Даҳонинг ёшлиғи» бадий фильми бу йилги СССР Давлат мукофотига қўрсатилган.

Ўзбек киноси кунлари программасида республикамиз кинематографиясининг иштироки ҳам бор. Ашхобода борадинлар турли учрашувларда қатнашдилар. Тошбакилар билан суҳбатлашдилар, туркменистонлик ҳамкасблари билан ҳозирги замон кинематографияси олдида турган актуал масалалар, проблемалар юзасидан фикр алмашдилар. Делегация составида режиссёр ва кинодраматург Усқун Назаров, артистлар Мурод Ражабов, Фарид Муминова, оператор Қасимов Хасановлар бор.

Ўзбек киноси кунлари Ашхободаги марказий кинотеатрда очилди.

МАКТАВ: ИСЛОҲОТ ҚАДАМЛАРИ

ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ КАТТА КЕНГАШИ

Куйбисев районидagi 210-мактаб ўзини оталиқча олган СССР 50 йиллиги номи «Тошкент трактор заводи» бирлашмаси коллектив билан мустақам алоқа боғлаган. Корхона мактабда ўстахоналар жойлашган, уларни мукамал асос-ўқуналар билан таъминлади. Завод бу ерга ўзининг энг ахши ишчиларини юбориб туради, улар ўқувчиларга ишчи касбларининг асосларини эгаллашда ёрдам берадилар. Ишчилар раҳбарлигида ўқувчилар меҳнат кўникмалари ҳосил қиладилар, завод ишлаб чиқараётган трактор ва транспорт тележалари

учун турли деталлар ишлаб чиқарадилар. Корхона билан мактаб ўртасидаги амалий иккунчи ҳамкорликни кўрсатуви ана шу мисол Тошкент шаҳридаги бошқа районларда бўлган сингари 27 август кунини Куйбисев район педагогларининг конференциясида тилга олинди.

Ўқитувчилар, педагогларнинг ана шу катта август кенгашида илғор иш тажрибасини, педагогик маҳорат сирларини ўртоқлашдилар.

Тарбия илк йилликдан бошланганда. Ҳамза район педагогларининг август кенгаши қатнашчилари ана шу фикрини

таъкидладилар. Масалан, райондаги 156-мактабда иккунчи йилдан бундан олти йил болалар ўқитилмоқда. Бу ерда одатда кунига тўртта ярим соатли дарс ўтказилиб, булар орасида 15 минутдан 40 минутгача танавфуслар бўлади.

Педагоглар конференцияларининг қатнашчилари ўз нутқларида ёш авлодни ўқитишни такомиллаштириш учун, ишларини коммунистик партияга, Совет давлатига чекиш сароқат руҳида тарбиялаш учун зарур бўлган ҳамма ишларини қилишга интилаётганликларини айтдилар. (ЎзТАГ).

● Ҳамро Аширбоев Шеробод бадий керамикка буюмлари заводининг моҳир усталаридан биридир. Маана қирқ тўрт йилдики, у ўз касбини ардоқлаб келмоқда. Уста нулол бўлиб етишди. Суратда: Ҳ. Аширбоев кўза лсамонда.

И. Хўжаев фотоси (ЎзТАГ).

● ● ●
Пойтахтимиздаги Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номи тинкувчилиги ишлаб чиқариш бirlашмаси Иваново шаҳридаги 3-тинкувчилик корхонаси билан мусобақадор. Ишчи-хизматчилар ҳар соҳада бир-бирларидан ўрнатган олиб меҳнат қилишди. Яқинда пойтахтлик чеварлар аjoyиб ношона олдилар. Россия шаҳарларидаги уйларга ўхшаш қурилган қорхонада тўғарак машгулотлар, учрашув ва нечалар ўтказилди. Суратда: ишчи-ишлар дам олинди.

Г. Степанова фотоси.



ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ТАЙЁРМИСИЗ?

БИЛИМЛАР БАЙРАМИНИ ҚАРШИЛАБ

Кейинги йилларда Бухоро областида, шу жумладан, Пешку районидида маориф шохобчалари кенгайиб бормоқда. Посёлка ҳамда қишлоқларнинг, қолхоз ва совхозларнинг янги лойиҳалар асосида қурилган мактабларида ўқувчиларнинг билим қўқилирини пухта эгаллашлари учун барча қудайликлар яратилмоқда.

Район халқ маорифи коллективи янги ўқув йилига пухта тайёргарлик кўриш юзасидан аjoyиб ташаббус билан чиққан эди. Бу ташаббус замирида КПСС Марказий Комитети 1984 йил апрель Пленумининг умумий таълим ва ҳунар мактабларини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари тўғрисидаги қарорини асосида ўқувчиларга пухта билим бериш билан бир қаторда уларга қасб-хунар ўргатиш масалалари ҳам ўз аксини топти.

Пешкулик маорифчилар мактаб ва мактабгача тарбия муассасаларини янги ўқув йилига тайёрлаш бўйича ишларини амалга оширдилар. Шу кунгача йилгирма битта ўрта, иккита саккиз йиллик, битта мактаб-интернат, тўртта мактаблар ва ўқув-ишлаб чиқариш комбинати, пионерлар уйи, музыка мактаби, халқ маорифи бўлими ҳисобидида тўнқизта мактабгача тарбия муассасаси сифатида ремонтдан чиқарилиб, дид билим жиҳозланди.

Ҳар бири 624 ўринли мактаб биноси

қурилиши айни кунларда жадал суръатлар билан илҳосига етказилляпти. Пудрат ва қурилиш ташкилотлари ушбу объектларни биринчи қўнғироқ қилишга қадар фойдаланишга топириш тадбирларини кўрмоқдалар. Янги мактаб қурилишида иш икки сменада ташкил этилган.

Мактабларини янги ўқув йилига тайёрлашда айниқса оталиқ ташкилотларнинг ёрдами катта бўлди. «СССР 60 йиллиги» совхозини, Иднов номи, «Ўзбекистон», «Москвас» қолхозлари ҳамда «Госкомсельхозтехника» район бирлашмаси ўзларига қарашли мактаблар ремонтининг тез ва сифатли қўлдан чиқарилишига ҳамда намунали жиҳозланишига яқиндан ёрдам бердилар.

Район халқ маорифи бўлими шу кунларда мактабларни малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, уларни ўз соҳалари бўйича жой-жойига қўйиш, ўқувчиларга тегишли қудайликлар яратиш, мактаб ислоҳоти ташаббуси ва тартиблари бўйича ўқувчиларга пухта билим ҳамда қасб-хунар ўргатишга қаратилган, шунингдек мактабларнинг ўқув-моддий базасини мустаҳкамлашга иди конкрет тадбирларни амалга оширмоқда. Пешкулик мактаб ўқувчилари бу йил ҳар қачонгидан шинама мактабларда, сифхоналарда билим олишларида шак-шубҳа йўқ.

Х. ҚОДИРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ



ЯКУНЛОВЧИ БАҲСЛАР

Халқро дўстлик мусобақалари якунланиб қолди. Спортчилар сўнгги медаллар учун курашмоқдалар. Мусобақада ўзбекистонлик спортчилар муваффақиятли иштирок этдилар. Сузувчиликнинг Лариса Белоконья билан Сергей Габаловларнинг эришган габаловлари ҳақида хабар қилган эдик. 200 метрга чалканга сузишда жаҳон рекордини янгилаган С. Заболотнов 100 метрлик масофада тўртинчи ўринни олди.

Куба пойтахти Гаванада волейбол ва бокс бўйича мусобақалар якунланди. Ҳар иккала баҳсда ҳам майдон эгалари галаба қозонди. Кубалик қарм қўлқол усталари 11 та олтин, 1 та кумуш медални қўлга киритиб, аjoyиб маҳорат кўрсатдилар. Совет боксчилари 6 та кумуш, 2 та бронза медалга эга бўлишди. Кумуш медаллардан бири халқро класдаги спорт мастери, фарғоналик Владимир Шинга тегишли. Владимир халқ қўлуви учрашувда кубалик жаҳон чемпиони П. Ромеронинг

зарбларига дош беролмади. ГДР боксчилари битта олтин, 6 та бронза медал олишди. Москвада ҳам хоккей бўйича ўтказилган мусобақалар тугади. Финалда СССР-И Польша командалари ўзаро учрашдилар. Совет хоккейчилари 2:1 ҳисобда устун келиб, халқро мусобақанинг олтин медалларини эгаллашди. СССР терма командаси составида иштирок этган андижонлик Вячеслав Шеронов ҳам олтин медалга эга бўлди. Шундай қилиб мамлакат терма командалари ютуғига муносиб улуш қўшган гинимастикчи И. Бараканова, ватерполист Э. Шагаевлар қатори хоккейчи В. Шаронов ҳам қоллиқлик супасига кўтарилишга муассар бўлди.

«Совет Ўзбекистони»нинг навабдари сони 30 августда чиқади.

Редактор ўринбосари
А. НАБИХУЖАЕВ.

ҚУЛ ЮГУРИГИ БОШГА

«Хўрали редакция!»
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми ҳаётиимиздаги салбий ҳодисаларнинг рўй-рост очиб ташлаб, уларни баргараф эткиш энг муҳим вазифа эканини ўқитди. Шу муносабат билан биз, бир гурупа газетхонлар областимиз шаънига доғ тушириб, савдо ташкилотлари, да нопок ишларга қўл урётган айрим шахсларнинг қилмишларидан гоёт газетлашаватганимизни ашшоролмаймиз. Биз келтирган фактларнинг тўғриллигини ўзларингиз бир келиб текшириб, ишонч ҳосил қилишингиз мумкин...

Мақтубни олишимиз билан йўлга олтидик. Текширишда хатдаги кўп гаплар тўғри бўлиб чиқди. Келинг, яхши-си, хатда тилга олинган киасаларнинг қилмишларидан эшитинг.

Мақсуд Қўлиевнинг ҳаловати йўқолганига анча кун бўлди. Ёйиш-ичишининг таъини йўқ. Юрса ҳам, турса ҳам ух тортади, ўзини қарерга қўйишни билмайди. Таваба, айни йилгит ёшида не савдолар тушди бошига? Уни яқинида ишдан олишди. Одамларга фақат маана шуниси маълум. Лекин нима сабабдан бунчалик ташвишли ақволга тушиб қолганини фақат ўзини билади.

Бир бахтар Қўлиев қандай ўйнаб-қулиб, гул-гул очилиб юрарди-ю? У йилгирма ёшида ОРС-3 га қарашли катта универмагга қадам қўйди-ю, бўлим мудир бўлди. Орадан уч йил ўтар-ўтмас шу универмаг директорлиги курсини эгаллади. 1982 йилнинг сентябрида таъини балиандили. Бор-йўғи ўрта маълумотли бўлишга қарамай, республика Геология министрига қарашли ОРСга бошлиқ қилиб тайинланди.

«Ҳа, сапт омади бор, ўсадиган йилгит-да! Ҳали қўриб турасизлар, бундан ҳам юксакка парвоз қиласиз», — дейишди ёр-бирдорлари. Бошқалар эса: «Суняини бўлса керак-да, ниқибди яхшиликка кўринсин!» — деб чекка-чеккадан гап отишди. Очирини айтганда, бизни бундай паст-баланд гап-сузалар эмас, Қўлиевнинг иш фаолияти қизиқтиради. Ҳўш, у ОРСга бошлиқ қилган пайта кўзга қуринарли қан-

дай ишлар қилди? Очирини айтганда, савдо тармоқларида ишловчилар орасида давлат мулкига қўз олайтириб, қўлини югуртирадиган шахслар пайдо бўлиб қолди. Қўлиев бундай ниқсаларнинг доднини бериши керак эди, албатта. Афсуски, негадир ўзини қўриб-қўрмамаслига, билиб-билмасликка олиб юрарди. Эл кўзидан ҳеч нарсани

ни яшириб бўлмайди. 1983 йилга келганда бирдан текшир-текшир бошланиб, эгри қўллар қўз босиб олгандай типирчилаб қолди. Ҳисобикитоб қилиб қўрилган эди, савдо тармоқларидан 42 минг 688 сўм ўмарилгани маълум бўлди. Юлгичлар қилмишига яраша жазоланди. Мақсуд Қўлиев эса гўе туя қўрдинини, йўқ қабилида бир чеккада тураверди.

Магазин мудир Иброҳим Бозоровни ОРСда ҳамма билади. «Юлдузани бебарвон урадиганлардан», — деб таърифлашади уни.

— Торт-торт қилиб толмайдиган, буюрган ишмидан қолмайдиган қўлларим тугайли шундай юксак баҳога сазовор бўлганман, — деб гап-гапакларда мақтаниб юради Бозоров.

1984 йил бошланиши биланқол, Иброҳим Бозоровнинг қўллари айниқса, қаққонлик билан ишлаб бошлади. Ҳали уни, ҳали бунни ўмариб, сира чарчамади. Яқинда бир чамалаб

қўришса, шу «пахлавон» қўллардан ўтиб гўм бўлган нарсалар 55 минг сўмликдан ошиб кетибди. Вой-ой, бу қандай гап, деб эга ушла-ганлар кўп бўлди. Мақсуд Қўлиев-чи? Парвойини фалак!

ОРСдаги учарлардан ана биттаси магазин мудир Муродулла Рузиев ҳисобланади. Мабоодо, эгри қўллар пойгаси ўтказилгудек бўлса, Муродулла асло орқада қолмайди. Яқинда ана шу олгир мудирлик қилган магазиндан 41 минг сўмдан зиёд қасб-хунар қилди. Бу айтишгагина омон.

Юқорида айтганимиздек, ОРС бошлиғи Мақсуд Қўлиевнинг ишдан олинишига,

Мажиловнинг қўша-қўша қасбига эгаллик қилиб тургани ҳақидаги шов-шувлар тилдан-тилга ўтиб, юқори ташкилотларга етиб борди. Шундан кейин унинг масаласи Қарши шаҳар партия комитетида қўрилиб, енгилгина жазо берилди. Қонунга ҳилоф равишда уни ортинча уй-жой билан таъминланган шахслар ҳақида эса жиддийроқ уйлаб кўрилмади. Бу жуда ачинарли ҳол.

Мавзудан андак четга чиққанмиш учун азиз газетхонлардан уэр сўраб, яна савдога савдолар ҳақидаги ҳикоямизни давом эттирмоқчимиз. Ишончли хужжатларда қайд этилишича, биргина

Қарши шаҳрининг ўзиди 1983 йил ва шу йилнинг олти ойи мобайнида 70 марта совет савдоси қондаларини бузиш ҳолатлари содир бўлган. Шундан 42 таси катта ҳажимдаги ўғирликлар экан. Қашқадарь области савдо бошқармаси бошлиғи Зарифуллага Муяновдан: «Бунга нима дейсиз?» — деб сўрасангиз, қисқагина жавоб қайтарди:

— Бошқа савдо ташкилотларининг иши бу. Бизда ҳамма ишлар жойида.

Зарифуллага Муянов қўлимизга справка ҳам ёзиб берди. «Савдо бошқармаси шунини маълум қилдики», — дейилди унда. — 1981 йилдан 1982 йил, 1983 йиллар ҳамда шу йилнинг етти ойи мобайнида бошқарма системасида қасб-хунар, ўғирлик, тартиб бузувчилик, жиноят содир бўлгани йўқ.

Шу гап рост бўлса қосқийди? «Касални яширсанг, икитмаси ошқор қилади», — дейдилар. Ҳўзир ҳам худди шундай бўлиб чиқди. Ҳурматли Зарифуллага Муянов, сиз Қарши марказий универма-

га бўлганмиш? Шу ерда секция мудир бўлиб ишлаган А. Муродовни ҳам танирсиз? Ана шу шахс 7334 сўм қасб-хунар қилибди! Наҳотки, беҳабар қилинган? Муробак шаҳар савдо тармоқларидан биринчи секция мудир бўлган Сирожиддин Қамолов нима иш қилиб қўйганини биласизми? Мабоодо билимасангиз бил қўйинг. Қамоловдан 7268 сўм қасб-хунар қилинган.

Яқинда ана бир воқеа юз берди. Муробак шаҳар савдо ташкилотининг маъмурий биносига қандайдир қария ниятли қимса моддий зарар етказишга уринди. Бундан мақсад муҳим хужжатларни йўқотиб юборишдан иборат бўлгани ҳеч қимса сир эмас. Жиноятнинг ўчи топилиди. Демак, иш охирига етказилди.

Агар сиз Зарифуллага Муянов билан шу хулук воқеа тўғрисида сўзлашгудек бўлсангиз, у сира ҳам ташвишланмай бемайлхотир жавоб қайтарди:

— Бинонинг ўзини ҳисоб-та олмангиз, мутлақо бошқа зарар қурилган йўқ. Қисман хужжатлар йўқолган. Ҳўзирги кунда тиклаш ишлари олиб бориляпти.

Ана шундай лоқайдлик нималарга олиб бормайди, дейсиз? Кейинги ойларида қўпгина савдо тармоқларидида ишлар бўшаптириб юборилгани учун ўша жойларда давлат планлари бажарилмай қолди.

Кимнинг дили эгри бўлса, қўли ҳам эгри бўлади. Дўконларда, савдо идораларида хизмат қилувчи ҳар бир кишининг дили беғубор. Қўли покиза бўлмоғи керак. Элга ҳалол хизмат қилиш ўрнига ўз нафсини ўйлаган шахсларга савдода ўрин йўқ. Бу халқ талаби — ҳаққоний талаб.

Усмон ЮСУПОВ,
«Совет Ўзбекистони»
маъсус мухбири.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

28 АВГУСТ, СЕШАНБА
МОСКВА-1, 9.00 — Время, 9.40 — Музыфильм, 9.55 — Концерт, 10.25 — Физиклар ишлай лабораторияда, 10.45 — Шахсий ҳаёт, Вадий фильм 12.25 — Концерт, 12.50 ва 13.00 Янгилликлар, 13.15 — Телефильм, 13.35 — Рассел В. Пророков ижоди, 14.05 — Ҳунар техника билим юртини да нимага ва қандай қилиб ўргатилади, 16.35 — Халқро

Дўстлик мусобақалари, 17.05 — Инсон — замиш соҳиб, 18.05 — Тележурнал, 18.35 — Халқро Дўстлик мусобақалари, 19.15 — Дунё воқеалари, 19.30 — Ҳунар ва ҳаёт, 20.25 — Водий, Вадий фильм, 21.30 — Время, 22.05 — Мангу даяпат, Вадий фильм, 1-серия, 23.10 — Дунё воқеалари.
МОСКВА-II 9.00 — Гимнастика, 9.20 — Хужжатли фильм, 9.30 Шахмат мактаби, 10.00 — Динамик мазмунга на театр, 11.30 — Телефильм, 11.50 — Концерт, 12.20 — Мардик сабоқлари.

12.50 — Хужжатли фильмлар, 13.30 — Француз тили, 14.00 — Вўрилар орасида ёлғиз, Вадий фильм, 2-серия, 15.10 — фильм, 20.00 — Янгилликлар: 20.20 — Музикали саир, 20.50 — Телефильм, 21.00 — Қизик қўлчилар акрари, 21.30 — МОСКВА-II.
28 АВГУСТ, ЧОРШАНБА
МОСКВА-I, 9.00 — Время, 9.40 — Телефильм, 10.10 — Концерт, 10.35 — Саёхатчилар клуби, 11.35 — Водий, Вадий фильм, 12.35 — Концерт, 13.00 ва 15.00 — Янгилликлар, 15.20 — Телефильм, 16.05 — Мухбирларимиза ҳикоя қиладилар, 16.40 — Барабанининг тақдир, Вадий фильм, 1-серия, 17.45 — Вугун ВАМДА, 18.15 — Киноқор, 18.45 — Янги ўқув йилининг бошланишига, 19.15 — Дунё воқеалари, 19.30 — Дунё ва ишлар, 20.05 — Хужжатли фильм, 20.15 — Шерлок Холмс ва доктор Ватсоннинг саргузаштлари, Вадий фильм, 21.30 — Время, 22.05 — Янгим-термига ҳамма нарсаси шайми? 22.25 — Кон-

церт.
ТОШКЕНТ-II, 9.00 — 18.10 — Москва-II, 18.35 — Текширилди, 19.15 — Янги фильм, 20.00 — Янгилликлар: 20.20 — Музикали саир, 20.50 — Телефильм, 21.00 — Қизик қўлчилар акрари, 21.30 — МОСКВА-II.
28 АВГУСТ, ЧОРШАНБА
МОСКВА-I, 9.00 — Время, 9.40 — Телефильм, 10.10 — Концерт, 10.35 — Саёхатчилар клуби, 11.35 — Водий, Вадий фильм, 12.35 — Концерт, 13.00 ва 15.00 — Янгилликлар, 15.20 — Телефильм, 16.05 — Мухбирларимиза ҳикоя қиладилар, 16.40 — Барабанининг тақдир, Вадий фильм, 1-серия, 17.45 — Вугун ВАМДА, 18.15 — Киноқор, 18.45 — Янги ўқув йилининг бошланишига, 19.15 — Дунё воқеалари, 19.30 — Дунё ва ишлар, 20.05 — Хужжатли фильм, 20.15 — Шерлок Холмс ва доктор Ватсоннинг саргузаштлари, Вадий фильм, 21.30 — Время, 22.05 — Янгим-термига ҳамма нарсаси шайми? 22.25 — Кон-

1-серия, 21.30 — Время, 22.00 — Мангу даяпат, Вадий фильм, 2-серия, 23.10 — Дунё воқеалари.
МОСКВА-II 9.00 — Гимнастика, 9.20 — Музыфильм, 9.40 — Буратино кўргазмаси, 10.10 — Хужжатли фильм, 10.40 — Салют, пионерия, 11.40 — 16 ёшгача ва ундан катталар, 12.25 — Ойла ва мактаб, 12.55 — Немис тили, 13.25 — Сиз яратган бог, 13.55 — Вўрилар орасида ёлғиз, Вадий фильм, 3-серия, 14.05 — Концерт, 15.35 ва 18.30 — Янгилликлар, 18.45 — Тележурнал, 19.20 — М. Горький, Италия ҳақида артавлар, 20.10 — Телефильм, 20.30 — Ҳайрат тун, кичикитойлар, 20.45 — Сиз бунга қодирсиз, 21.30 — Время, 22.00 — Футбол, «Динамо» (Киев) — «Зенит».
ТОШКЕНТ-I, 10.00 — Ахборот, 10.20 — Хужжатли фильм, 10.40 — Телефильм, 11.05 — Дикқат вошбақа, Вадий фильм, 12.25 — «Светофор».

13.05 ва 18.00 — Янгилликлар, 18.15 — Инсон болаикдан бошланади, 18.45 — Ёзувчи халқ хизматига, 19.20 — Янги ўқув йилигиза билан, 19.30 — Ахборот, 19.45 — Инсон ва юнун, 20.30 — Ахборот, 20.50 — Концерт, 21.30 — Время, 22.00 — Вугун оламида нима гап? 22.15 — Тележурнал, 23.20 — Янгилликлар.
ТОШКЕНТ-II, 9.00—15.40 — МОСКВА-II, 18.30 — Инсон ўртоқ хизматига, Вадий фильм, 20.00 — Тошкент янгилликлари, 20.20 — Кинопрограмма, 21.00 — Янги марралар сир, 21.30 — МОСКВА-II.

РАДИО

28 АВГУСТ, СЕШАНБА
БИРИНЧИ ПРОГРАММА, 8.30 — Ўзбек классик кўшиқлари, 9.30 — Дўстлик байроғи, 12.10 — Транспорт ишчиси, 13.00 — Чорвадор, 14.00 — Дефо-

лацияни сифатли ўтказайлик, 18.15 — Янгилликлар (суҳбат), 18.30 — Музикали танавфуз, 19.25 — Ёшлик, 20.30 — Футбол, «Пахтакор», «Спартак», 21.15 — Қишлоқ меҳнаткаллари учун концерт, 22.30 — Область театрлари артистлари ижро этиди.
29 АВГУСТ, ЧОРШАНБА
БИРИНЧИ ПРОГРАММА, 8.30 — Ёш овозлар, Концерт, 9.30 — Совет Ўзбекистони: одамлар, ишлар ва режалар, 11.15 — Илмий-техника тараққиётини маддаллаштириш — халқ хўжалигини ривожлантиришнинг муҳим омил, 11.25 — «Ассалом, келажак!» Вокзал, 12.10 — Ўзбекистан индустриаллий, 13.00 — Чорвадор, 14.00 — Техника йилгиртермига шай бўлсин, 19.25 — Қармоқ, 20.50 — Шерият альманахи, 21.10 — Қишлоқ меҳнаткаллари учун концерт, 22.30 — Татар композиторларининг кўшиқлари.

РЕКЛАМА

ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлимининг
ЎЗБЕКИСТОН ЛУВ ЭКИНЛАРИ ТАЖРИБА СТАНЦИЯСИ
вакант вазифаларга
КОНКУРС
ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
Лаборатория мудир: сугорш; лаборатория катта илмий ходими: сугорш; лаборатория кичик илмий ходимлари: селекция (2 ўрин) технология (2), экономика, агрономия (2).
Конкурс мuddати — 16 сентябрга.
Мурожаат учун адрес: 702211, Тошкент область, Коммунист район, 1-Қорақалпоқ алоқа бўлими.

БУТУНИТТИФОҚ
«Союзэвгэзгапром» сано